

## Очиқ дарс ва кўрик танлов

Табиат неъматлари ёхуд инсон қўли билан яратилган бойликларнинг, ихтироларнинг меъёрий мезонлари бор. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир нарсанинг ўз ўлчови бор. Атоқли шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг меъёр ҳақидаги ушбу битиги бежиз эмас.

Узлуксиз шодлик ҳам келтиради ғам

Ҳаддан ортиқ базм мисоли мотам,

Ҳар нарса меъёрдан ошмаса яхши

Ҳаддан ошса ўтдан баттароқ сув ҳам.

Демак, барча нарса-ҳодисаларга меъёрий муносабат муҳим масала. Институтимизда 2018 йил 12 декабрь куни “Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти” факультети “Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедраси ташаббуси билан “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан эълон қилинган “Электр энергиясидан самарали ва оқилона фойдаланиш ойлигини ўтказиш” чоратadbирлар дастурига асосан ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3-декабрдаги №87-02-3535 сон хатида келтирилган вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида 2018 йил 12 декабрь куни профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрантлар, талабалар иштирокида очиқ дарс ва кўрик танлов ўтказилди.

Тadbирда меҳон сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги т.ф.д., проф. Р.А.Захидов ҳамда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятидан 10 нафар мутахассислар иштирок этдилар. Жумладан, бошқарма бошлиғи Б.Г.Қодиров, Ёшлар иттифоқи раиси Ф.А.Нуралиев ва “Ўзбекэнергоахборот” акциядорлик жамияти бошлиғи С.К.Мирзаева ҳамда ўринбосари З.Ш.Халиковлар иштирок этдилар. Тadbир давомида академик Р.А.Захидов, Б.Г.Қодиров, Ф.А.Нуралиев, З.Ш.Халиков, профессор А.Раджабов, фукультет декани т.ф.д. А. Исакова ва кафедра мудирини PhD Д.Қодировлар сўзга чиқиб электр энергиясидан самарали, оқилона фойдаланиш усуллари ва электр энергия самарадорлиги оширишнинг бугунги кундаги амалий аҳамияти тўғрисида маърузалар қилдилар. Тadbир сўнгида қисқа савол-жавоб кўринишида “Блиц-сўров” йўсинида “Сизнингча, электр энергиясидан қандай самарали ва оқилона фойдаланиш мумкин?” тарзида кўрик-танлов ўтказилди. Энг тўғри ва тўла жавоб берган фаол иштирокчилар эсдалик совғалари - бадий китоблар билан тақдирланишди.



**ЭТ ва КТЭМ кафедра мудирини Д.Б.Кодиров ахбороти**

**Институт матбуот котибини Раҳимбой Жуманиёзов**